Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

# ҲУҚУҚ

ЮРИДИК ГАЗЕТА

1998 йил
25 февраль, чоршанба

# 08 (20)

Газета 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган

Нигоҳ

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчихонаси таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Р. Қодиров шу йил 9-13 февраль кунлари Венгриянинг Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар Халқаро Академиясининг АҚШ Адлия департаментининг хорижий прокурорлик тараққиёти бўлими томонидан тақдим этилган ўқув режасини ишлаб чиқиш бўйича конференциясида иштирок этди.

Анжуман дастури прокурорлик масалалари билан шуғулланувчи юқори лавозимли раҳбарларга мўлжалланган. Унинг доирасида уюшган жиноятчиликка, мусодара этилган мулкни тақсимлаш, пул маблағларини ўмариш, давлат миқёсидаги коррупция ва болаларни эксплуатация қилишга қарши кураш масалаларига бағишланган тақдимот ва брифинглар ташкил қилинди. Шунингдек, думалоқ стол даврасида мунозаралар ҳам ўтказилиб, туркум жиноятларни тергов қилиш бўйича прокурорларнинг икки ҳафталик ўқуви учун мавзу ва масалалар аниқланиб олинди.

Конференцияда Ўзбекистон, АҚШ, Украина, Грузия, Болтиқбўйи давлатлари, Румыния, Польша, Молдова, Болгария, Албания, Венгрия, Қозоғистон ва Қирғизистон вакиллари иштирок этдилар. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Р. Қодиров «Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари тизими ва ҳозирги босқичда жиноятчиликка қарши курашнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзусида маъруза қилди.

Америка делегациясига раҳбарлик қилган АҚШ бирлашган университетлари директори профессор Тим Сковелли билан бўлган учрашувлар давомида Ўзбекистон прокурор ходимлари ўқувини ташкил этиш бўйича келишувга эришилди, шунингдек, ҳар икки давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ҳамкорлигини йўлга қўйиш юзасидан истак-таклифлар билдирилди.

Умуман олганда, ушуб анжуман муваффақиятли ўтди. Ходимларимизнинг хориждаги икки ҳафталик ўқуви мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашда сезиларли даражада фойда келтиришига умид қилса бўлади.

Прокурорлар кенгашиб олишди

## ҚОНУНГА АМАЛ ҚИЛИШ
### ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ БУРЧИДИР

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, юртимизда динга кенг йўл очилди. Юртимиздаги ҳар бир фуқаро қайси динга эътиқод қилишидан қатъий назар унинг виждон эркинлиги қонунлар асосида ҳимояга олинди. Аммо, кейинги пайтда республикамиз айрим ҳудудларида экстремистик йўналишдаги ваҳобийлик ғояларини тарғиб этувчи гуруҳлар фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситаларида бот-бот ёзилмоқда. Хўш, уларнинг мақсадлари нима? Пойтахтимизнинг С.Раҳимов туман прокуратурасида бўлиб ўтган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг ижроси юзасидан прокурорлик назорати ва амалиёти ҳақидаги семинарда ана шу мавзуга эътибор қаратилди. Семинарда пойтахт туманларининг прокурорлари иштирок этишди.

Семинарни очган Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Ҳақназаров йиғилганларга Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтмаган пойтахтимиздаги масжидлардаги ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳақида ахборот берди.



- Биргина мисол тариқасида сизларнинг эътиборингизни Наманганадаги воқеаларга қаратмоқчиман, - деди Бахтиёр Ҳақназаров. - Қилмишлари ойнаи жаҳон орқали маълум қилинган Абдували Йўлдошев ва Толиб Мамажонов бошчилигидаги босқинчи гуруҳлардан бири 1994-1997 йиллар мобайнида Наманган вилоятида бир қатор ўта оғир жиноятларни содир этган. Дастлабки терговда аниқланишича, мазкур гуруҳ аъзолари Покистон ва Афғонистонда махсус тайёргарликни ўтишган ва улар ўзларича Ўзбекистон конституциявий ҳокимият органларини зўрлик билан ағдариб ташлашни режалаштирган. Бизни ташвишга солаётган нарса уларнинг айрим маслакдошлари пойтахтимизда рўйхатдан ўтмаган масжидларда ҳам борлигидир. Агар биз «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга оғишмай амал қилсак, пойтахтимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаймиз.

Семинарда Собир Раҳимов туман прокурори Э.Абзалов «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг ижроси юзасидан туманда қилинаётган ишлар хусусида маъруза қилди.

*(Давоми 2-бетда).*

## ЧОРШАНБАДАН

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 18-20 февраль кунлари расмий ташриф билан Украинада бўлди.

Шуни таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбарининг Украинага ташрифи амалий натижаларга бой бўлди. Ўтказилган учрашув ва мунозаралар сиёсий, иқтисодий масалаларда икки давлат раҳбарларининг қарашлари уйғун эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

***

Кейинги вақтларда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг айрим ҳарбий бўлинмаларида ҳарбий хизматчилар ўртасида низомга зид ўзаро муносабатлар ҳоллари аниқланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 1998 йилнинг 23 февралида «Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларида интизомни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Фармонга биноан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, чегара ва ички қўшинлари ҳарбий қисмларида ҳарбий интизомнинг аҳволини чуқур ўрганиш учун комиссия тузилди.

***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари лойиҳанинг ибратли жиҳатлари ва уни янада такомиллаштиришга доир фикр-мулоҳазаларни ўртоқлашдилар.

***

Тошкент Давлат юридик институти ҳузуридаги ҳуқуқий маърифат тарғибот марказида уюштирилган илмий-амалий семинар «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асослари» мавзусига бағишланди. Бу кенгашда ҳам «Ер кодекси» ҳақидаги лойиҳа атрофлича муҳокама қилиниб, таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланди.

***

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ташкил этилган Олий Мажлис қўмиталари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ҳокимлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар, уюшма ва компаниялар раҳбарларининг ўринбосарлари ва туман ҳокимларининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш масалаларига бағишланган ўқув машғулотларининг биринчи босқичи якунланди.

## ЧОРШАНБАГАЧА

Ҳуқуқий тарбия қандай ўзлаштирилади? 3-б.

ВАТАН ИЧРА ВАТАН
Қадаҳда жилоланган оғу 7-б

Сирти силлиқ товламачи 4-б.

КЎРСАТГИЧ БАРМОҚСИЗ ОДАМ (ҳикоя) 8-б.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИДА

1998 йил 17 февралдан 18 февралга ўтар кечаси Сурхондарё вилоятининг «Оқтош» божхона ва чегара назорати постида мазкур пост ҳарбий хизматчилари ўртасида можароли воқеа содир бўлди. Ҳарбий хизматчилардан бирининг ўқотар қуролни ишлатиши фожеали оқибатларга олиб келди. Ҳарбий хизматчилар ва божхона пости ходимлари орасида ярадорлар ва ҳалок бўлганлар бор.

Олиб борилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида можароли воқеа айбдори аниқланди ва қўлга олинди.

Ушбу факт юзасидан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Чегара қўшинлари қўмондонлиги ва бошқа тегишли органлар томонидан чуқур тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Жиноий иш қўзғатилди.

# ҚОНУНГА АМАЛ ҚИЛИШ

## ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ БУРЧИДИР

*(Бошланиши 1-бетда).*

- Ушбу семинарнинг бизнинг туманда ўтказилишида рамзий маъно бор. Туманимиз ҳудудида Республика мусулмонлари диний идорасидан ташқари, Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган 30 дан зиёд масжид фаолият кўрсатаяпти. Имом Термизий, Тўхтабойвачча, Мирзо Ғолиб, Аҳмаджон қори, Сафарвой ота ва Чимир ота масжидларида кунига 5 мингдан ортиқ мусулмонлар келиб, ўзларининг ибодатларини адо этмоқда, - деди маърузачи сўзини давом эттириб. - Биз туманимизда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида»ги қонунлар ижросини ўрганиб чиққанимизда маҳаллий ҳокимият раҳбарларининг бепарволиги оқибатида 16 та ибодат қилишга мўлжалланмаган жойларда фуқаролар намоз ўқишлари маълум бўлди. Бу жойлар санитария нормаларига зид масканлар эканлиги ҳам аниқланди. Биз бу борадаги фаолиятимизни бевосита туман ҳокимлиги, маънавият ва маърифат бўлими ҳамда «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг туман бўлимлари билан ҳамкорликда олиб бормоқдамиз.





Қонун ижроси билан кучли. Қайд этилган қонунбузарликлар юзасидан туман прокуратураси 1997 йил ва шу йилнинг январь ва февраль ойларида 3 та тақдимнома киритди, 9 та фуқарога нисбатан маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Семинарда С.Раҳимов тумани ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Бахтиёр Ҳакимов туманда халқнинг осойишталигини таъминлаш юзасидан қилинаётган профилактик ишлар ҳақида тўхталиб ўтди. Рўйхатдан ўтмаган айрим масжидлардаги ноқонуний хатти-ҳаракат ҳақидаги видеотасвир йиғилганлар эътиборига ҳавола қилинди. Айрим ёшлар ўзлари билиб-билмай, миллий урф-одатларимизга зид, исломнинг тинчликсевар тамойилларига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, экстремистик йўналишдаги ғоялар йўлларига кириб қолаётганини йиғилганларга фактлар асосида гапириб берди.

Семинарда сўзга чиққан туман прокурорлари вужудга келган вазиятни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

- Бизнинг асосий мақсадимиз, - деди Юнусобод тумани прокурори Г.Давлетов. - халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш экан, жамоат ташкилотлари билан яхши алоқа ўрнатишимиз лозим. Ана шундагина биз кўзланган мақсадга эришамиз. Бунинг учун бевосита жойларга чиқиб ишлашимиз керак. Ички ишлар ҳамда миллий хавфсизлик хизмати ходимлари янада масъулиятни чуқурроқ ҳис қилишлари керак, деб ўйлайман.

- Қаердаки, амалдаги қонунлар ишламас экан, у ерда бўшлиқ пайдо бўлади, - деди сўзга чиққан Сирғали туман прокурори О.Матхолиқов. -Агар Наманган вилоятида ҳам «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга тўлиқ риоя қилинганида эди, юқорида айтилган нохушликлар бўлмас эди. Намангандаги воқеалар ҳар биримиз учун сабоқ бўлиши керак.

Семинар сўнггида сўз олган шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари Б.Ҳақназаров шундай деди:

- Биз шаҳар прокуратураси раҳбарияти шу йилнинг икки ойи ичида кўплаб маҳаллаларда, ташкилотларда, ўқув юртларида одамлар билан юзма-юз учрашувларда қатнашаяпмиз. Уларнинг ҳар бири Наманган вилоятида рўй берган нохушликлардан қаттиқ ташвишда. Халқимиз тинч-осойишта яшашни чин дилдан истайди. Айниқса, маҳаллаларнинг оқсоқоллари бу борада биз билан ҳамкорликда ишлашга тайёр. Улар бу соҳада катта куч эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Минг афсуслар бўлсинки, экстремистик йўналишдаги ваҳобийлик ғояларини тарғиб қилувчи баъзи кимсалар кишиларни тўғри йўлдан оғдиришга ҳаракат қилаяпти. Уларнинг ҳаракатлари динимизга ҳам, давлатимизнинг олиб бораётган одилона сиёсатига ҳам зиддир. Уларнинг экстремист йўналишдаги динни ниқоб қилиб илгари сураётган ғояларига бизнинг жамиятда ўрин йўқ. Халқимизнинг ҳам, қонунларимизнинг ҳам талаби шундай.

Семинарда туман прокурорларига «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш юзасидан шаҳар прокуратурасининг топшириқлари берилди.

Ватан юрак каби ягонадир. Унга қилинган хиёнат кечирилмайди. Афсуски, дили нопок айрим юртдошларимиз аллакимларнинг ноғорасига ўйнаб юрт тинчлигига раҳна солмоқчи бўлаяпти. Муқаддас китобларимизда «Ватанни севмоқ иймондандир», дейилган. Иймонидан кечган кимсагина Она - Ватанига хиёнат қилади. Донишмандларимиздан бири айтган: Бу ёруғ оламда бир гуноҳ бор. У ватанга хиёнатдир. Бу гуноҳга қўл урган кимсанинг айбини кечиб бўлмайди.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ.**

***Прокурор протест келтиради***

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МУҚАДДАС

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокуратура органлари томонидан амалга оширилаётган назорат шуни кўрсатмоқдаки, ҳали ҳам айрим вилоят ва туманлар, шаҳарлар ҳокимлари, хўжалик юритувчи субъектлар, бошқарув идоралари раҳбарлари томонидан ғайриқонуний қарорлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатлар чиқарилиб фуқаролар, тадбиркорлар ва жамоаларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилмоқда. 1997 йил давомида қонун устиворлигини таъминлаш борасида прокурорларнинг протестлари билан 8289 та ғайриқонуний ҳужжатлар бекор қилинди. Республика Конституциясининг 100-моддасида қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш вазифаси маҳаллий ҳокимият органларига юклатиб қўйилган. Аммо, айрим ҳокимликлар ўзларига юклатилган ушбу вазифани бажармасдан ғайри-қонуний қарорлар чиқарилишга йўл қўймоқдалар.

Биргина ўтган йил давомида ҳокимларнинг 496 та, шу жумладан, вилоят ҳокимларининг 5 та ноқонуний қарорлари прокурорларнинг протестлари билан бекор қилинди.

Жумладан, Сирдарё вилоят ҳокими ўз ваколатидан четга чиқиб, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Ж.Шариповни лавозимга тайинлаш ва унга ҳайфсан эълон қилиш тўғрисида ноқонуний қарор чиқарган. Ушбу қарор Республика прокуратурасининг протести билан бекор қилинди.

Сирдарё вилояти Бахт шаҳар ҳокимининг 1997 йил 18 августдаги қарори билан фуқаро Г. Ғофуров, Боёвут туман ҳокимининг 1997 йил 4 октябрдаги қарорига биноан фуқаро У.Уришев деҳқон бозорлари акциядорлик жамиятлари раислари этиб тайинланганлар. Ушбу қарорлар «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 64, 65-моддалари талабларига хилоф равишда чиқарилиб, акциядорларнинг қонуний ҳуқуқлари поймол қилинишига йўл қўйилганлиги учун прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилинган.

Республика вазирликлари, қўмиталари ва бошқа муассаса раҳбарлари томонидан ҳам худди шундай қонунбузишларга йўл қўйилиб, ғайриқонуний қарорлар чиқарилган.

Бундай ҳолатларга қабул қилинган янги қонунларни чуқур ўрганмаслик ҳамда Олий Мажлиснинг қонунларни кучга киритиш тўғрисидаги қарорларидаги вазирликлар, муассасаларнинг норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва янги қонунга мувофиқлаштириш тўғрисидаги топшириқларини бажармаслик сабаб бўлмоқда.

Мисол учун 1996 йил 26 апрелда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни амалга киритиш тартиби ҳақидаги Республика Олий Мажлисининг қарорида барча вазирликлар ва идораларнинг ушбу Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва мазкур қонунга мувофиқ ўзгартириш тўғрисидаги топшириғи «Ўзбекбирлашув» раҳбарияти томонидан бажарилмаган ва Низомига тегишли ўзгартиришлар киритилмаган.

Фақатгина Республика прокуратурасининг 1997 йил 3 октябрдаги протестига асосан Низом бандларини юқорида қайд этилган қонунга мувофиқлаштириш масаласи матлубот кооперацияси вакилларининг навбатдаги қурултойи кун тартибига киритилган.

«Баққоллик» Республика акциядорлик бирлашмасининг 1994 йил 10 июнь куни тасдиқланган Низомининг 5. 15-бандида «таъсисчи акциядорлик жамиятларининг бошқарув раислари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда бош ҳисобчиларини тасдиқлаш бирлашма бошқарувининг ваколат доирасига киради», деб белгиланган.

Мазкур Низомнинг ушбу банди «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 65-моддаси талабларига хилоф бўлганлиги сабабли Республика прокуратураси протестига асосан бекор қилинди.

Худди шундай, «Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси низомининг ҳам ноқонуний бандлари протест асосида бекор қилинди.

Ачинарли томони шундаки, юқорида қайд этилган идораларнинг низомлари Республика Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган бўлиб, мазкур қонунбузарликлар ўз вақтида вазирликнинг мутахассислари томонидан бартараф этилмаган.

Шунингдек, 1997 йил 1 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг «Акциз маркалари билан маркаланмаган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларни мусодара қилиш ва сотиш тартиби тўғрисида»ги Низоми, 1997 йил 4 июлда Адлия вазирлигида рўйхатга олинган бўлиб, унинг айрим бандлари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг талабларига зид бўлганлиги туфайли, Республика прокуратурасининг протестига асосан бекор қилинди.

Ёқилғи-мойлаш материалларини сақлаш қоидалари бузилишига йўл қўйилганлиги учун «Ўзхимфарм» очиқ турдаги акциядорлик жамияти раисининг 1996 йил 19 ноябрдаги буйруғи билан В.А.Бузовага Меҳнат Кодексининг 181-моддасида назарда тутилмаган интизомий жазо, қаттиқ ҳайфсан эълон қилинган. Натижада унинг меҳнат ҳуқуқлари бузилган.

Шунингдек, «Ўзагрокимётаъминот» Давлат акциядорлик бирлашмаси раисининг 1997 йил 27 ноябрдаги 59-сонли буйруғи билан Бухоро, Жиззах, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари «Агрокимётаъминот» бирлашмалари раислари Б.Баҳромов, Э.Шерматов, Т.Сапоров ва И.Латиповларга нисбатан ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан қараганликлари учун Меҳнат Кодексининг 181-моддасига зид равишда қонунда кўрсатилмаган жазо, яъни огоҳлантириш эълон қилинган.

Юқорида кўрсатилган буйруқлар Республика прокуратурасининг протестлари асосида бекор қилиниб, исми шарифлари келтирилган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланди.

**Шухрат РАҲИМОВ,**
**Республика прокуратурасининг Умумий назорат бошқармаси катта прокурори.**

**ТАЪСИСЧИЛАР:**

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси «Қонун ҳимоясида» журнали

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари

**БОШ МУҲАРРИР:**

Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

Асрор АҲМАДЖОНОВ
Дилшод ИСЛОМОВ
*(масъул котиб)*
Эркин ЙЎЛДОШЕВ
Мэлс НАИМОВ
Орипжон ХОЛМАТОВ
Лола ШОМУРОТОВА
Бахтиёр НАЗАРОВ
*(бош муҳаррир ўринбосари)*

Газета андозаси «Ҳуқуқ» газетаси компьютер марказида тайёрланди.

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифга қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. Газетадан кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

**Таҳририят манзили:**
*Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 66 - уй.*

**Телефонлар:**
13-363-88, 13-382-34, 77-69-64.

Газета Тошкент вилоят матбуот бошқармаси томонидан №767 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: *Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси - 41.*

Нусхаси 19085
Буюртма Г- 01034
Қоғоз бичими - А-3.
Баҳоси сотувда эркин нархда.

Навбатчи
**О.БЕГАЛИЕВ**

Мусаҳҳиҳ:
**М.ДУСИЯРОВА**

1 2 3 4 5 6 7

Сиз нима дейсиз?

# ҚАДАҲДА ЖИЛОЛАНГАН ОҒУ

**Дил сўзлари ёзилган бир мактуб диққатимни ўзига тортди. Унда бухоролик Рустам Маматов кўнгилли бир воқеани ҳикоя қилган:**

*«Куни кеча бир танишим ўғли ҳарбий хизматдан қелгани муносабати билан уйига таклиф қилди. Айтилган вақтда етиб бордик. Дастурхон устида нознеъматларнинг ҳамма туридан бор-у, фақат спиртли ичимлик йўқ. Суҳбат давомида ичимлик ҳақида кўп гапирилди-ю, лекин ҳеч ким уни олиб келишни сўрамади. Ўтириш ширинсуханлик билан жуда мароқли ўтди. Эртароқ уй-уйимизга тарқалдик. Гурунгимиз давомида хонадон соҳиби бир неча бор «қиттак-қиттак қиламизми, опкелайми?», деган гап қилди. Аммо бунга ҳеч ким эътибор бермади. Ҳуллас, ичкиликнинг зарари хусусида кўп гап бўлди-ю, уни «мириқиб ичиш» тўғрисида ҳеч ким лом-мим демади.*

*Бир мунча вақт олдинроқ бундай ўтиришларнинг ўзи бўлмасди. Албатта, икки кишининг суҳбати ароқсиз ўтмасди. Ичмайман, деганига қарамай йигитни эсон-омон қайтганига, унинг ота-онаси соғлигига қўярда-қўймай ичиришарди. Бунинг устига вақт билан ҳисоб-китоб қилинмай, кечаси алламаҳалгача ўтириларди. Бу сафарги ихчам ўтириш менга ёқди. Спиртли ичимликсиз бундай ўтиришлар жуда файзли бўлади».*

Шуни тан олиш керакки, кейинги вақтда ичкилик ичувчиларга кенг йўл очиб қўйилган эди. Қайси дўконга кирмайлик, кўзимиз жилваланиб турган «оғу»ли шишаларга тушарди. Беихтиёр уларни харид ҳам қилардик. Айрим ошхона ва қаҳвахоналар тез-тез «қиттак-қиттак» қилувчиларга макон бўлиб қолган эди. Ресторанларга ин қўйиб олган айрим шахслар эса ярим тунгача истаганча кайф суришарди. Ҳатто озиқ-овқатлар, сабзавот ва мевалар билан савдо қиладиган дўконларда ҳам Ўзбекистон виноларининг истаган тури харид қилинарди. Қолаверса, уларни ташвиқот қилувчи сўзларни ҳам учратиш мумкин эди.

Ҳа, юз грамм ичиш айрим қатъиятсиз, кўнгли бўш, ўзини-ўзи идора қила олмайдиган шахсларнинг доимий машғулотига айланганди. Эрталаб ишда, қолаверса, ишдан сўнг тўрт-беш улфат бўлиб чақчақлашиб ўтиришга бир қатор ёшлар хуруж қўйишганди. Ҳатто бу ҳолат шу даражага етиб борган эдики, завод ва фабрикаларда, қурилиш объектларида иш вақти бўлишига қарамай, спиртли ичимликлар бемалол ичилаверарди. Албатта, бундай «кўнгил очиш»лар туфайли яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпаяверди. Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш, оилавий жанжаллар ўз-ўзидан келиб чиқаверади.

Қадимдан халқимиз ўзининг меҳмондўстлиги билан ном чиқарган. Бу яхши анъана бугунги кунда ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ. Одатда биз бирор танишимизни учратсак, уйга, аниқроғи, бир пиёла чойга таклиф қиламиз. Аммо, айрим кезларда ана шу бир пиёла чой жуда қимматга тушиб кетарди. Иссиқ чой ўрнига «ўта аччиқ» спиртли ичимлик ичиш кўп жойда одат тусига кирганди. Уйга келган меҳмонни қистаб, унинг ҳурмати учун, сиҳат-саломатлиги учун қанчадан-қанча шишалар бўшарди. Бундай «чой» ичишларнинг фойдасидан зарари кўп бўларди, албатта.

Яқинда бўлиб ўтган бир меҳмондорчилик худди телевизион миниатюрани эслатди. Қадрдон дўстимиз уйига таклиф қилиб қолди. Бизнинг шарафимизга ёзилган дастурхондаги ширин-шакар ноз-неъматлардан татиб кўрдик. Ҳуштаъм ичимликлар ичдик. Стол устига фақат ароқ қўйилмаган эди. Шунда илгари «отиб юрган» бир-икки ҳамкасбимиз тез-тез эшикка, аниқроғи мезбоннинг қўлига қараб қўйишарди. Улар бир-бирига ўзларича имо қилишиб, нимадир кутишарди. Биз эса аксинча, ҳеч нарсага эътибор бермай, ўз суҳбатимиз билан ўзимизни хурсанд қилиб ўтирдик. Меҳмондорчилик охирида томоғи тақиллаганлар дили хуфтон бўлиб тарқалишди. Бу учрашувдан фақат бир-икки ичувчини ҳисобга олмаганда, ҳамма хурсанд эди.

Биз нега юз граммни «кутамиз»? Шу оғусиз кунимиз ўтмай, кўнглимиз жойига тушмайдими? Ҳозирги кунда тўйларни ҳам спиртли ичимликсиз ўтказишга ҳаракат қилинмоқда. Ароқсиз ўтган тўй-ларнинг ўйин-кулгилари ҳақида маҳалла фаоллари, фуқароларни рўйхатдан ўтказиш идоралари, кенг жамоатчилик самимий фикр бил-диришмоқда.

Янгича анъаналар кун сайин ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олмоқда. Ана шу яхши анъаналарни давом эттириш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлиб қолиши керак. Ичкилик ичишдан олдин шишадаги оғунинг зарарини ҳар биримиз ўйлаб кўрсак, ёмон бўл-масди. Қайси бир фалокатни олиб қаранг, таги ичкиликка бориб тақалади. Кайф устида ҳар қандай нимжон одам ҳам «ботир» бўлиб кетиши мумкин. Бундан ташқари, бир дақиқалик завқ учун қанчадан-қанча маблағ сарфланиши кимга керак?

Турмушимиз кун сайин гўзаллашиб бормоқда. Унинг янада серфайз, фаровон бўлиши ўз қўлимизда. Ҳар бир инсон ўз нияти, олий мақсади йўлида интилади. Ана шу интилиш равон ва завқли бўлиши ҳушёрликка бориб тақалади. Шундай экан, ҳар бир оилада тинчтотувлик, аҳиллик ҳукм сурса, ишлаб чиқаришдаги суръатлар кун сайин ошиб борса, бугунги кунимизнинг ютуғи ҳам ана шундан иборатдир.

**И.УСМОНОВ,**
**журналист.**

Дилдаги гаплар

## ОДОБЛИ БЎЛИШГА ЎҚИТИЛМАЙДИ

*Бировга баҳо беришдан олдин ўзингни кўзгуга сол.*

*Ўзгалар боласига ҳам ўз фарзандингдек муомалада бўл.*

*Сендаги иллат ўғил-қизларингга ўтса, бармоғингни тишла.*

*Болангни тийишдан олдин ўз хатти-ҳаракатингга разм сол.*

*Фарзанд одобини ҳеч кимга ишониб бўлмайди.*

*Бировга зурриёдингни мақтаб, унинг энсасини қотирма ёхуд ундан ўғил-қизингга баҳо беришни сўрама.*

*Тирикликда хабар олмай, ота-онанинг қабр тошига «унутмаймиз» деб ёздирган ўғилнинг етти ёт бегонадан фарқи йўқ.*

*Бир-бирига меҳрли бўлишнинг энг осон йўли тез-тез кўришиб туришдир.*

*Оналар ўз фарзандларини сўзсиз тушуниши мумкин, аммо ўғил-қизларнинг улар дилини топиши мушкул савдо.*

*Ёшликда бирор касб-ҳунарни пухта эгалласанг, қариганда мушкулинг осон бўларкан.*

*Одобли бўлишга ўқитилмайди, унга амал қилинади.*

*Болани бўлар-бўлмасга тергаш ҳам уни эътиборсиз қилиб қўяди.*

*Рашк қилмайман, дейишларига унчалик ишонмайман. Зеро, рашк меҳр-муҳаббатнинг кўз илғамас риштаси.*

*Кекса кишига бирор нимани уқтириш учун энг аввало, унинг ёшига етмоқ зарур.*

*Ота-оналаримизнинг ҳар доим ҳақлигини бошимизга бирор ташвиш тушсагина англаб етамиз.*

*Оталар бир сўзни икки бор такрорлашни хуш кўришмайди.*

*Йигит ва қизнинг бир ёстиққа бош қўйишини, бамисоли икки оиланинг қимор ўйнашига қиёслаш мумкин. Бунда кимнингдир ошиғи олчи бўлса, кимнингдир эса...*

*Эркак киши уч бор: уйланганда, касб танлаганда ва ўғлига тарбия берганда асло адашмаслиги лозим.*

*Ҳадеганда ишинг битмай, кўнглинг хира тортгани -- ночорлигинг белгиси эканлигини унутма.*

*Эзгулик уруғи танқис бўлгани билан, у барчага насиб этиши мумкин. Бунинг учун ният холис бўлмоғи лозим.*

Изтироб

## ДАРДИМ ИЧИМДА

*Инсон учун ҳаётнинг ўзи катта мактаб экан. Мен буни ёшим қирқдан ошгач англаб етдим. Бир пайтлар дунёда биздан бахтли инсон йўқ эди. Равшан акам билан ТошМИни бирга битирдик. Бизни институтдан Қаршига юборишди.*

*Бир йил у ерда ишлаб, яна Тошкентга қайтдик. Равшан акам илмий иш қилиш учун институтга ишга кирди. Мен эса касалхонага врач бўлиб ишга жойлашдим. Ижарада яшардик. Кейин ўғлимиз Рустамжон туғилди. У пайтлар ҳам маошга яшаш оғир эди. Отамнинг ёрдами билан 2 хонали уй олдик. Ёш эмасмизми, яхши еб, яхши кийишни истардик. Бир куни Равшан акамга «Қачонгача шундай яшаймиз. Уйни отам олиб берган бўлса», дедим. Бу гапларим у кишига оғир ботибди. Шундан сўнг орага аста-секин совуқлик туша бошлади. Баъзи дугоналарим «ҳалиям эрингнинг профессор бўлишини кутиб юрибсанми?», деб қўйнимга сув пуркашарди. Ҳуллас, Равшан акам уйни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Тўғриси, шунга мажбур қилганман. Энг қизиғи, ота-онам мени бу йўлимдан қайтаришмаган.*

*Йиллар ўтиб, мен ўз хатомни англаб етдим. Ўғлим Рустам 15 ёшга тўлаяпти. Ейишдан, кийинишдан ками йўқ. «Нега дадам биз билан яшамайди», деганида юрагимдан бир нарса узилиб кетгандай бўлади. Кимларнингдир «доно» маслаҳатлари билан турмуш ўртоғимни уйдан ҳайдаганман. Камбағаллигини юзига солиб, йигитлик нафсониятига текканман. Энди қилган ишларимдан пушаймонман.*

*Инсон дунёда ҳаракат қилса ҳамма нарсага эришар экан. Яқинда касалхонамизга комиссия келди. Не кўз билан кўрайки, улар орасида Равшан акам ҳам бор экан. У киши яқинда профессор бўлибди. Бир томондан севиндим. Аммо...*

*Менинг ёш келинларга айтадиган гапим шуки, бировларнинг гапига кириб турмуш ўртоғингизни хафа қилманглар. Арзимас нарсаларни баҳона қилиб, турмушингизни бузманг. Фарзандларингиз «Дадам нега биз билан яшамайди?» деган саволига жавоб беролмай, ер чизиб қолманг. Менга ўхшаб йўл бошида адашманг, дейман.*

**Адолат ИМОМОВА,**
**Тошкент шаҳри.**



▲ Бу йил қиш ғалати бўлди - гоҳо қор ёғади, гоҳо ёмғир...

**Р.ШАРИПОВ суратлари.**

Кўнгил

# «Бахт қушини ўзим учириб юборганман»

Ёшим қирққа яқинлашиб қолди. Ҳали турмушга чиқмаганман. Мен шу ёшимда- сочларимга оқ оралаган кунларда ҳам суюкли ёр, яхши уй бекаси, меҳрибон она бўлиш орзуси билан яшаяпман, десам эҳтимол, устимдан куларсизлар. Лекин бу ҳақиқат!

Аслида мен йигирма ёшимда турмушга чиқишим мумкин эди. Бошимга қўнаётган бахт қушини ўзим учириб юборганман. Ҳозир ота-онам билан яшайман. Уларнинг сал тоби қочиб қолгудек бўлса, ваҳимага тушаман. Уйимизга бир вақтлар совчилар серқатнов бўлишган. Аммо ота-онам менинг кўнглимга қарагани боис уларнинг ҳаммаси қуруқ қайтишди. Нима қилай, совчи қўйган йигитларнинг бирортаси ҳам ёқмаса?

Кейинги пайтларда дадам тенги кишилар ҳам менга «харидор» бўлишаяпти. Шундай пайтларда: «Қиз бола - кўприк, ундан кимлар ўтиб кетмайди», - деб ўзимга таскин бераман. Аммо баъзи кунлари ич-ичимдан эзилиб, туни билан ухлай олмай, ўртаниб чиқаман. Асабларим ҳам ўзимга бўйсунмай қўйди. Сал нарсага жаҳлим чиқади. Бировларга айтилган гап ҳам менга тегишлидек туюлаверади.

Умримда бирор одамга озор бермаганман. Мен ҳам ҳаётда севиб яшашим, бир кишини бемалол бахтиёр қилишим мумкин-ку, ахир! Бироқ, қани ўша олижаноб инсон?

Умримнинг ярмидан мўлроғини яшаб қўйганман-у, на уй-жойим, на бола-чақам бор... Касбим муаллима. Ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиётидан дарс бераман. Болаларни жуда яхши кўраман. Ўқувчиларимга «ўғлим», «қизим» деб мурожаат қилгим келади-ю, аммо мулоҳаза қиламан. Бўғзимга нимадир тиқилиб қолади. Синфдош дугоналарим даврасига қўшилолмай қолганимга-ку, анча вақт бўлди. Чунки улар менинг ёнимда оила, бола-чақа, турмуш ўртоқлари тўғрисида гап очишдан ўзларини тиядилар. Мен эса буни сезиб тураман.

Мен бутунлай бахтсиз эмасман. Ўқувчиларим, ҳамкасбларим, мактабдошларим, маҳалладошларим ҳурмат қилишиб, фақат яхшилик тилашади.

Ҳаёт курашдан иборат, дейишади. Мен ҳам бутун умр курашдим, нималаргадир эришдим ҳам. Лекин энг асосийсини йўқотиб қўйдим. Бундан кейин нимага эришиш учун курашишим керак? Ҳаётимни қандай давом эттирсам бўлади? Каминани қийнаётган бу саволларга ҳеч ким жавоб беролмаслигини биламан. Қисматимни дунёдаги ҳеч бир қизга раво кўрмайман, шунинг учун ҳам ушбу мактубни ёзаяпман. Ўзимга-ўзим ачиниб кетаман. Ҳаётдаги энг катта бахтсизлик ҳам шу бўлса керак. Бахтингизни бой берманглар, азиз сингилжонларим!

**МУСЛИМА.**

